Баъзи герман тилларига хос сўзлар таҳлили

Урганч давлат университети “Факультетлараро чет тиллари” кафедраси катта ўқтивчиси,
PhD Ходжаева Гулшод Бахадировна
e-mail: acалча-80@ mail.ru тел: +998973639353
Урганч давлат педагогика институти
Филология ва тарих факультети Хорижий тил ва адабиёти
221 гуруҳ талабаси Салаева Гуласал Ғайратбек қизи

Аннотация: Ушбу мақолада герман тилларига хос баъзи ўзлашмалар морфологик таҳлил қилинган.

Аннотация: В данной статье морфологически анализируются некоторые приобретения, характерные для германских языков.

Abstract: This article morphologically analyzes some of the acquisitions characteristic of Germanic languages.

Калит сўзлар: ўзлашма, имло, морфологик, қўшма сўз, суффикс, грамматика, род, қўшма сўз.

Ключевые слова: заимствования, орфография, морфология, сложное слово, суффикс, грамматика, корень, сложное слово.

Key words:borriwing, spelling, morphology, complex word, suffix, grammar, root, complex word.

Ўзбек тили график системасига ўтилгандан кейин ва айниқса, кейинги даврларда ўзлашган сўзлар имлоси ва уларнинг морфологик тузилишидаги кўринишлар, иложи борича, манба тилга яқин қилиб олина бошланди, сезиларли даражада стабиллашди. Улар ўзбек тили грамматик курилиши қоидалари таъсири остида қатъий шакллантирилди. Бунда асосан тўрт ҳолатни кўриш мумкин:

1. Герман тилларидан ўзлашган сўзлар ўзларининг содда, ясама, қўшма сўзлар бўлишига қарамасдан, морфологик жиҳатдан ўзгармасдан манба тилларидаги шаклида ўзбек тилига ўтишган:

герман тиллари		ўзбекча
grader	-	грейдер
container	-	контейнер

2. Ўзлашма сўзлар суффиксларини ўзгартириб ўтишган:

герман тиллари		ўзбекча
Ranzen	-	ранец

Rolle - ролик

3. Ўзлашма сўзлардаги суффикслар туширилиб қолдирилган ва шу ҳолатда ўзбек тилига ўтган:

герман тиллари ўзбекча
Lilliputtian - лилпипут
Reise - рейс

4. Ўзлашма сўзлар суффикслари ўзгартирилган, ўзбек тилига ўзгаришга дуч келиб ўтишган:

герман тиллари ўзбекча
spachteln - шпаклёвка қилмоқ
röntgen - рентген қилмоқ

Бу гуруҳдаги мисоллардан кўриниб турибдики, сўз ясовчи немисча суффикслар ўзбек тилидаги сўз ясовчи элементлар билан алмаштирилган. Герман тилларидан келган ўзлашмаларни таҳлил қилаётиб яна бир эътиборли ҳодисага дуч келинди. Лотинча aer (аэр-ҳаво) сўзи билан у ўзлашиб келган ҳар бир тилда янги-янги сўзлар яратилганлигининг гувоҳи бўлдик. Бу сўз билан лотин тилига қўшни бўлган грек тилида энг кўп тил бирликлари яратилган: аэроблар, аэродинамика, аэродром, аэрофото, аэрофотограмма, аэрогеология, аэромогнетика, аэрогеофизика, аэрограмма, аэрогеграфия, аэрокартография, аэрология, аэромеханика, аэрометр, аэронавтика, аэрономия, аэрофилатемия, аэроплан, аэростат, аэротермометр ва бошқалар. Худди шу зайлда герман тилларига мансуб бўлган сўзлар ўзбек тилига келиб янги-янги тил бирликлари: содда, ясама, қўшма сўз ва иборалар ясаганликларини кўрамиз. Роднинг жинс категорияси билан боғлиқ томони шундаки, у одамлар, ҳайвонлар ва паррандаларнинг жинсини англатади. Грамматик формал род категорияси эса сўзларнинг белгиларига, формал томонларига қараб учта: мужской, средний ва женский родга бўлинади.

Эътиборлиси шундаки, немис тилида отларнинг қайси грамматик формал родга қарашли эканлигини билдирувчи конкрет қоида ва аниқ белгиси йўқ. Родларда мотивациянинг йўқлиги, айрим род билдирувчи саноқлигина суффиксларни (-er, - ler, - ner, - ling;-in, - schaft, - ung;-um, - nis, - chen) эътиборга олмаганда, ҳамма отлар учун характерлидир.

Герман тилларига оид ўзлашмаларнинг ўзбек тилига сон категорияси нуқтаи назаридан қабул қилинишига келсак, ўзлашмаларнинг деярли ҳаммаси ўзларининг бирлик шаклида қабул қилинган. Бу ўзлашмалар ўзбек тилида ўз кўплик шаклларини мазкур тиллар қоидаларига асосан ясайдилар: kran – кранлар, лидер-лидерлар каби. Аммо бу борада ҳам айрим ўзгаришларни

кўриш мумкин. Масалан, немисча die Obertöne, инглизча pujamas каби ўзлашмалар борки, улар герман тилларида фақат кўпликда ишлатилади.

Ўзбек тилида эса бирликда: обертон, пижама (пиджама) шаклида бирликда қабул қилинган ва кўплиги шу тилларнинг кўплик қўшимчалари билан ясалади. Айрим ўзлашмаларда манба тиллардаги бор бўлган кўплик қўшимчасига қарамай, қабул қилувчи тилларнинг кўплик қўшимчалари қўшилади.

Қўшма сўзлар ва уларнинг ясалиши герман тилларида айниқса немис тилида ўзига хос ҳодисадир. Қўшма сўзлар одатда икки (ва ундан ортиқ) компонентдан иборат, яъни аниқловчи ва аниқланмиш (асосий) ли бўлади. Масалан, немисча Maβstab – масштаб қўшма сўзнинг оладиган бўлсак, бунда stab – таёқ сўзи асосий сўз, аниқланмишдир. Maβ – ўлчов сўзи эса уни аниқлаб, унинг ўлчов таёғи эканлигини билдириб келяпти.

Қўшма сўзларнинг морфологик анализи уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганишни тақозо қилади: от+от: Eis+berg, Water + jacket; сифат + от: Neu + silber, Groβ + haus; феъл + от: Leit + motiv, Reit + hose; кўмакчи + от: Vor + tuch, in + breeding; сифат + сифат: Edel + weiβ.

Ўзлашмаларнинг бир-бирига боғланиб келиши, структурал-генетик жиҳатдан боғловчисиз End + spiel ва боғловчили Reich + s + tag ҳолатлари ҳам ўзбек тилига ўзлашган. Бу борада шуни қайд қилиш керакки, ўзлашиш жараёнида қўшма сўзларнинг боғловчи элементларининг тушиб қолиш ҳолатлари фақат айрим сўзлардагина юз берган.

Ўзлашмаларнинг ўзбек тилидаги морфологик ўзгаришларига хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, улар қабул қилувчи тилда ўз морфологик хусусиятларини сақлаб қолиш билан бир қаторда, ўзбек тилининг грамматик қурилиш қоидаларининг муайян таъсири остида маълум даражада қайта шаклланган.

Сўз ва форма ясовчи суффиксларнинг ўзгариши, тушиб қолиши ўзлашган тилга хос қўшимчалар билан алмаштирилиши, жинс ва сон категориясида ўзгаришлар, айрим ўзлашмаларда род ва сон билдирувчи суффикслар ёрдамида денотатни англатишнинг конкретлашуви каби хусусиятлар юқоридаги фикрга далил бўла олади. Қўшма сўзлардаги боғловчи элементлар эса деярли доим морфологик ўзгаришлардан даҳлсиз қолган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Жуманиёзов О. Ўзбек тилидаги герман тиллари ўзлашмалари. Тошкент, «Фан», 1987.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981. Ўзбек совет энциклопедияси. Тошкент, 1971 – 80 йй.

3.Ўзбек тилининг изоҳли луғати. М., 1981. Русча интернационал сўзлар изоҳли луғати. Тошкент, 1972. Сиёсий ахборотчи ва агитаторнинг қисқача изоҳли луғати. Тошкент, 1975.